

Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 223-ҳадис

223- 5550- عن أبي بكرٍ رضي الله تعالى عنه، عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «الزَّمَانُ قَدِ اسْتَدَارَ كَهْيَنِيهِ يَوْمَ خَلَقَ اللَّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ؛ السَّنَةُ اثْنَا عَشَرَ شَهْرًا، مِنْهَا أَرْبَعَةُ حُرُمٌ؛ ثَلَاثٌ مُتَوَالِيَّاتٌ: دُو الْقَعْدَةِ وَدُو الْحِجَّةِ وَالْمُحَرَّمُ، وَرَجُبُ مُضَرِّ الدِّيَ بَيْنَ جُمَادَى وَشَعْبَانَ، أَيُّ شَهْرٍ هَذَا؟» قُلْنَا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَسَكَتَ حَتَّى ظَنَّا أَنَّهُ سَيُسَمِّيهِ بِعَيْرِ اسْمِهِ، قَالَ: «أَلَيْسَ [دُو الْحِجَّةِ؟!] قُلْنَا: بَلَى. قَالَ: «أَيُّ بَلَدٍ هَذَا؟» قُلْنَا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَسَكَتَ حَتَّى ظَنَّا أَنَّهُ سَيُسَمِّيهِ بِعَيْرِ اسْمِهِ، قَالَ: «أَلَيْسَ الْبَلْدَةَ؟!» قُلْنَا: بَلَى، قَالَ: «فَأَيُّ يَوْمٍ هَذَا؟» قُلْنَا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَسَكَتَ حَتَّى ظَنَّا أَنَّهُ سَيُسَمِّيهِ بِعَيْرِ اسْمِهِ، قَالَ: «[أَلَيْسَ] يَوْمَ النَّحْرِ؟!» قُلْنَا: بَلَى.

قال: «فَإِنَّ دِمَائِكُمْ وَأَمْوَالَكُمْ - قَالَ مُحَمَّدٌ: وَاحْسِبُهُ قَالَ وَأَعْرَاضَكُمْ - عَلَيْكُمْ حَرَامٌ، كُحْرُمَةٌ يَوْمُكُمْ هَذَا، فِي بَلَدِكُمْ هَذَا، فِي شَهْرِكُمْ، وَسَتَلْقَؤُنَ رَبِّكُمْ، فَيَسْأَلُكُمْ عَنْ أَعْمَالِكُمْ، أَلَا فَلَا تَرْجِعُوا بَعْدِي ضُلَّالًا يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ، أَلَا لَيُبَلِّغَ الشَّاهِدُ الْغَائِبَ، فَلَعَلَّ بَعْضَ مَنْ يَبْلُغُهُ.. أَنْ يَكُونَ أَرْعَى لَهُ مِنْ بَعْضٍ مَنْ سَمِعَهُ ثُمَّ قَالَ: أَلَا هَلَ بَلَّغْتُ؟ مَرَّتِينِ.

223- 5550. Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Замон* Аллоҳ осмонлару ерни яратган кундаги ҳолатига қайтди. Бир йил ўн икки ойдир. Шулардан тўрттаси ҳаром ойлар бўлиб, учтаси кетма-кетдир: зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ва жумад(ул-охир) билан шаъбон ўртасидаги Музарнинг ражабидир.* (Айтинглар-чи,) бу қайси ой?» Биз: «Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз номидан бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. «Зулҳижжа эмасми?» дедилар. «Ҳа (шундай)», дедик. «Бу қайси юрт?» дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз

номидан бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. «**Балда*** эмасми?» дедилар. «Ха (шундай)», дедик. «**Бу қайси кун?**» дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билади», дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз номидан бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. «**Қурбонлик куни эмасми?**» дедилар. «Ха (шундай)», дедик. «**Албатта, қонларингиз, молларингиз** - Мұхаммад (ибн Сирин) айтади: «Ўйлашимча, «**ва шаън-обрўларингиз**» ҳам дедилар» - сизлар учун мана шу юртингизда, шу ойингизда мана шу кунингиз ҳаромлиги каби ҳаромдир.

Тез орада Роббингизга рўбарў бўласиз, У Зот сизлардан амалларингиз ҳақида сўрайди. Огоҳ бўлинг, мендан кейин бирбирининг бўйини чопадиган гумроҳларга айланиб кетманг. Огоҳ бўлинг, ҳозир бўлган ҳозир бўлмаганга етказсин. Шояд баъзи етказиладиганлар уни эшитганлардан кўра англовчироқ бўлса», дедилар. - Мұхаммад буни айтганда «Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тўғри айтмишлар», дер эди* - сўнг икки марта «**Хой, етказдимми?**» дедилар».

* «Замон» сўзи араб тилида «вақт» деган маънени билдириб, ҳар қандай қисқаю узун вақт учун ишлатилаверади. Бу ерда эса замон деганда йил назарда тутилган. Уларнинг Аллоҳ осмонлару ерни яратган кундаги ҳолатига қайтиши ҳаром ойларнинг ўз жойига қайтишидир. Жоҳилиятда одамлар ҳаром ойларнинг ўрнини ўзгартириб юборишар, уруш қилгилари келса, ҳаром ойни ҳалол қилиб олишар, уруш қилгилари келмаса, ҳалол ойни ҳаром ой қилиб олишар эди.

* Жоҳилият даврида Музар қабиласи ражаб ойини бошқалардан кўра кўпроқ улуғлагани учун ушбу ойнинг номи уларга нисбат бериб ҳам юритилган.

* Балда - Маккан Мукарраманинг номларидан бири.

* Ҳадис ровийларидан бири, буюк тобеъин Мұхаммад ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳ мазкур ҳадисни нақл қилганда ушбу гапни ҳам қўшимча қилас әкан. Бу гапни икки хил тушуниш мумкин: 1. Бу гап **«Огоҳ бўлинг, ҳозир бўлган ҳозир бўлмаганга етказсин»** деган жумлага тегишли деб қаралади. Бунда «Ҳақиқатан ҳам ўша ерда ҳозир бўлганлар бўлмаганларга етказиши», деган маъно келиб чиқади; 2. Уни ҳадисдаги **«Шояд баъзи етказиладиганлар уни эшитганлардан кўра ёдда тутувчироқ бўлса»** иборасига изоҳ деб қабул қилинади. Бу ҳолда маъно қуидагича бўлади: «Ҳақиқатан ҳам ҳадисни бевосита эшитганлар уни янада ёдда тутувчироқ кишиларга етказиши».



NUBUVVAT MARVARIDLARI